



Tadqiqot **UZ**

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 DEKABR
№35

CONFERENCES.UZ

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”
9-ҚИСМ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»
ЧАСТЬ-9**

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF
UZBEKISTAN»
PART-9**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 18 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ

1. Рустамова Дилбар Рустамовна	
КОРПОРАТИВ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ	7
2. Шомансурова Зилола Абдувахитовна	9
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ	9
3. Suvanova Zamira Ikromovna	
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IQTISODIY TIZIMLARNI INNOVATION RIVOJLANTIRISH OMILLARI	12
4. Матякубов Умиджон Рахимович	
ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ ТУРИЗМ СОҲАСИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	14



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

КОРПОРАТИВ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Рустамова Дилбар Рустамовна

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил тадқиқотчиси
Телефон: +998977078922

Аннотация: Яқин вақтларгача корпоратив бошқарув соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш кўпроқ эмитент компаниялар томонидан ахлоқий меъёрларга ва ишбилармонлик муомаласи одатларига ихтиёрий риоя қилишдан иборат бўлган. Бироқ, эндиликда нафақат корпоратив бошқарувнинг назарий асосларини, балки уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ёндошувни ҳам қайта баҳолаш лозим.

Калит сўзлар: Корпоратив бошқарув, молия бозори, қимматли қоғозлар, молиявий тартибга солиш, молиявий институтлар, молиявий ҳисоботлар.

Молия бозорларини тартибга солиш тизимида бозорнинг асосий иштирокчиси сифатида компаниялар фаолиятини тартибга солиш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам, ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам асосни таъминлашда ҳуқуқий ва тартибга солувчи институтлар муҳим вазифаларни бажарадилар. Самарали ҳуқуқий тизим низоларни ҳал этишнинг ишончли воситаси ва шунинг учун ҳам корпоратив бошқарувнинг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Хусусан, АҚШда қимматбаҳо қоғозлар бозорини тартибга солиш 1934 йилда Қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияни (SEC ташкил қилиш вақтидан бошлаб ривожланиб келган, унинг назорати остида Нью-Йорк (NYSE) ва бошқа фонд биржалари тартибга солиш функцияларини амалга оширадилар. Бундай функцияларнинг бир қисmini Молиявий ҳисоблар бўйича кенгаш (FASB) бажарган. Тадқиқотарнинг кўрсатишича, тартибга солувчи қонунлар ва меъёрлар жамламаси корпоратив муомала тушунчасида бозорнинг ролини қўллаб-қувватлайди ва тўлдиради. Уларга риоя қилиш хусусий шартномалар ҳамда суд тизими билан кафолатланади.

Молиявий тартибга солишнинг фундаментал элементи – бу, истъомолчиларни носоғлом ва ғирром амалиётлардан ҳимоялашдир. Юз берган сўнги инқироз истъомолчиларни ҳимояси – хавфсизлик – молиявий институтлар барқарорлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқ кўрсатиб берди ҳамда компаниялар фаолиятини тартибга солишда хануз қатор камчиликлар борлигини яна бир бор намоён этди [1].

Бу каби муаммолар билан 2000 йилларда тўқнашган АҚШ маъмурияти, компанияларни молиявий ҳисоботларини тартибга солиш бўйича айрим ҳуқуқий ислохотларни амалга оширган эди. Ушбу ислохотлардан энг машҳури ва бугунги кунгача ўз долзарблигини юқотмагани – бу, *Сарбанес-Оксли* актидир.

Сарбанес-Оксли акти (ингилизчада Sarbanes-Oxley Act (SOX)) 2002 йилда АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган бўлиб, инвесторларни фирибгарликка асосланган бухгалтерия ҳисоботларидан ҳимоя қилишга қаратилган (ушбу акт, яна “Очиқ акциядорлик компанияларда бухгалтерия ҳисоблари ислохоти ва инвесторлар ҳимояси акти” деган ном билан ҳам машҳур)¹ Мазкур акт АҚШ федерал қонуни ҳисобланиб, унга АҚШ ҳудудидаги барча очиқ акциядорлик компаниялар бўсунишлари шарт [2].

2000 йил бошларида Enron, Tyco International, Adelphia, Peregrine Systems ва WorldCom каби корпорацияларда молиявий ҳисоботларини эълон қилинишидаги фирибгарликлар

1 Ушбу акт унинг ҳомийлари сенатор Пол Сарбанес ва депутат Майкл Оксли номлари билан аталади.



натижасида инвесторлар бир-неча миллиард доллар зарар кўрганлар ва ушбу корхоналар банкрот бўлгандилар. Шунингдек, бундай нохуш ҳолат, АҚШ қимматли қоғозлар биржасига бўлган ишончни пасайтириб юборган эди. Шундан сўнг, инвесторлар ишончини қозониш учун жавоб тариқасида, Сарбанес-Оксли акти қабул қилинган ва у тартибга солиш меъёрларини ислоҳ этишни назарда тутди.

Хорижий тажрибаларни илмий тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатадики, АҚШда корпоратив бошқарув нисбатан самарадорлиги кучли бозорлар ва кучли ҳуқуқий тизим таъсири билан изоҳланади, улар бир-бирларини тўлдирадилар ҳамда бозор шароитлари ўзгарган тақдирда, ўз ролини ўзгартира оладилар. Шунингдек, ўрганишлар шуни кўрсатадики, АҚШ ҳукумати ва конгресси юз берган манипуляциялардан келиб чиқаётган хавфни ўз вақтида сеза билдилар, унинг мазмунини тўғри баҳоладилар ва қонунчиликка ўзгартишлар киритдилар [3].

Корпоратив бошқарувни ислоҳ қилиш бўйича инвесторларнинг ишончи масаласи билан боғлиқ ва “корпоратив масъулиятни яхшилаш ва америка акциядорларини ҳимоя қилиш бўйича ўнта банддан иборат режа” кўринишида шакллантирилган таклифларнинг асосида учта ҳал қилувчи тамойил ётади: *ахборотнинг аниқлиги ва очиқлиги, менежмент масъулияти ҳамда аудиторларнинг мустақиллиги*. Бу таклифларга авваломбор NYSE и Nasdaq биржалари каби хусусий соҳалар жавоб бердилар, улар 2002 ва 2003 йиллардаёқ янги қонунчиликка ҳамда SEC томонидан тартибга солиш бўйича ўз ташаббуслари билан чиқишди.

Илмий изланишларнинг кўрсатишича, инвесторларни корпорацияларнинг фаолиятлари ва молиявий натижалари тўғрисида ўз вақтидаги ҳамда аниқ ахборот билан таъминлаш ислохотнинг асосий йўналишидир. Сарбейнс-Оксли қонуни корпорациялар томонидан ахборот, шу жумладан, акциялар билан боғлиқ келишувларга, ички назорат тизимларининг ҳолатига, аудит бўйича қўмиталарнинг сифатли таркибига дахлдор ахборот тақдим этилишининг таркиби ва муддатларига қўйиладиган янги талабларни ўз ичига олади. Молиявий таҳлилчилар ва аудиторлар ҳам инвесторларга ўз мустақиллигининг ва мумкин бўлган манфаатлар ихтилофларининг даражаси ҳақида фикр юргизиш имкониятини берувчи маълум ахборотни беришлари шарт. Қонун ахборот тақдим этиш меъёрларининг бузилиши ва қаллоблик учун белгиланган санкцияларни жуда жиддий қилиб қўяди (жарималардан ташқари, қамокқа олиш муддати тўрт баробар узайтирилди). Менежерлар ва аудиторлар томонидан корпорацияларнинг молиявий ҳиобот ҳужжатларига қўйиладиган талабларга риоя этилишини таъминловчи янги меъёрлар ва институтлар шакллантирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sarbanes-Oxley Act Of 2002 – SOX. www.investopedia.com
2. Ben S. Bernanke. Financial Regulation and Supervision after the Crisis: The Role of the Federal Reserve. At the Federal Reserve Bank of Boston 54th Economic Conference, Chatham, Massachusetts. October 23, 2009. Электрон манба: <http://www.federalreserve.gov/newsevents/speech/bernanke20091023a.htm>
3. Утциг З. Корпоративное управление, капитализация компаний и опционы на акции - уроки Enron, Worldcom и Ko // Бизнес и банки. 2002. № 47.



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ

Шомансурова Зилола Абдувахитовна

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил тадқиқотчиси
Телефон: + 998935485000
zilolahonshomansurova@gmail.com

Аннотация: Акциядорлик жамиятларда инновацияларни фаолиятини ривожлантиришда инновацияларнинг асосий йўналишларига ҳисобланган комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, электрлаштириш, ишлаб чиқаришни электронлаштириш ва рақамлаштириш усулларида кенг фойдаланиш лозим ҳисобланди.

Калит сўзлар: Илмий-техник тараққиёт, инновация, венчур капитал, молиявий маблағ, устав капитал, инвестиция, самарадорлик кўрсаткич.

Акциядорлик жамиятларда инновацияларни ривожлантириш, унинг асосий фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, маҳсулотнинг ва умуман корхонанинг рақобатбардошлигига таъсир ўтказади. Рақобатбардошлик ишлаб чиқаришдаги фойда ва самарадорлик кўрсаткичларида намоён бўлади. Ривожланган давлатлар тажрибаси корхоналарда инновациянинг иқтисодиётдаги роли муҳимлигини кўрсатди. Инновация – илмий-техник тараққиётнинг (ИТТКИ) намоёни бўлиб, у товарлар ва хизматларнигина эмас, балки акциядорлик жамиятни фаолиятини, ҳозирги замон талабига мослаштиради ва такомиллаштиради. Акциядорлик жамиятларида инновация – илмий –техника тараққиётини микро даражада намоёндоси бўлиб ҳисобланади.

Замонавий акциядорлик жамиятларидаги ташкил этилаётган инновацияларнинг асосий йўналишларига:

- комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;
- электрлаштириш;
- ишлаб чиқаришни электронлаштириш;
- янги материалларни тадбиқ этиш;
- янги технологияларни ўзлаштириш
- рақамлаштириш қиради.

Иқтисодий ислохотлар даврида ишлаб чиқаришнинг пасайиши, мамлакатимиз корхоналари инновация соҳасидаги жиддий муаммолар билан боғлиқ бўлади. Асосий қийинчиликлар ИТТКИни молиялаштиришда бўлиб, акциядорлик жамиятларининг инновация фаолиятини ўсишида унинг ўрни алоҳида ўринни эгаллайди. Лекин ушбу акциядорлик жамиятлари юқори риск билан боғлиқ бўлганлиги туфайли уни молиялаштиришни акциядорлар ўз капиталини киритишни афзал кўрмайди. Шунга қарамай, аксарият акциядорлик жамиятлар янги бозор шароитларига мослашиб барқарорликка эришмоқда.

Акциядорлик жамиятларининг ўз-ўзини молиялаштиришга ўтишлари, ўз ва ташқи инвесторларнинг маблағларини жалб этиши уларнинг инновацион фаолиятини амалга оширишга туртки бўлди. Инновациялар на фақат муҳим инвестицияларни талаб қилади, балки унга ажратилган молиявий маблағларни самарали бошқариш ва юқори кўрсаткичларга эришишни ҳам кўзлайди.

Инновацияларни молиялаштиришда венчур корхоналари муҳим аҳамият касб этади. Венчур корхоналар мураккаб тузилган бўлиб, илмий ғояларни технология ва маҳсулотларга айлантириш билан боғлиқ бўлган ишланмаларни синаш, ишни маромига етказиш, уни саноатга инновация сифатида тадбиқ этиш билан шуғулланади. Ҳозирги давирдаги кичик венчур корхоналар эгилувчан ва ҳаракатланувчан субъект бўлиб, юқори ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан фарқланади, бу корхона ходимлари ва инвесторларни биринчи навбатда ишлаб чиқилган ғоя, технология, объект, тадқиқотларни кам харажат билан тезликда



муваффақиятли татбиқ этилиши учун тўғридан-тўғри манфаатдорлигида ифодаланади.

Венчур корхоналар шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этилади. Венчур, молиялаштиришни ўзига хос бўлган юқори хавфлилик даражасига эга бўлган фаолият тури бўлиб, бевосита сарфланадиган инвестициялар акциядорлик жамияти акциясининг маълум бир қисмига алмаштирилади, бунда венчур фаолияти фақатгина ишонч асосида амалга ошади ва ўзи тадқиқотларни олиб бормади.

Келажаги бор технологияни тижорат мақсадида амалга ошириш учун бизнесни қўллаш мақсадида ўз улушини сотиш мумкин. Венчур бизнесига инвестицияларнинг сарфланишининг асосий хусусияти ҳеч қандай кафолатсиз амалга оширилади, венчур корхоналар томонидан ҳеч қандай моддий таъминлаш бўлмайди.

Шундай қилиб венчур корхонасига инвестициялар сарфлашни қуйидаги хусусиятларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Молиявий маблағлар ҳеч қандай кафолатсиз ва моддий таъминотсиз амалга оширилади;
- 2) Инвестор устав капиталида албатта ўз ҳиссасига эга бўлади;
- 3) Маблағлар узоқ вақтга ва қайтариб олмаслик шарти билан берилади;
- 4) Инвестор корхонани бошқаришда фаол иштирок этади.

Венчур корхоналар фан сиғими юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларида кенг тарқалади, бу корхоналар илмий тадқиқотлар инженерлик ишланмаларини олиб боришга ихтисосланганлиги, натижада ҳозирги даврда кичик бизнеснинг илмий тадқиқотлар ва ишланмалардаги ўрни сезиларли тарзда ошганлигини кўришимиз мумкин.. У кичик ва ўрта тадқиқот олиб бораётган юқори технологияга эга бўлган фирмаларни замонавий техникага ўлчамлари мос келадиган (микропроцессорлар, микро ЭХМ, микрокомпьютерлар) юқори технологик даражада бўлган технологиялар ва ишланмаларни нисбатан кам харажатлар билан ишлаб чиқариш имкониятини беради [1].

Бундай корхонани ташкил этувчи ташаббускорлар, келажаги борғояларга ўзини бағишлаган йирик фирмаларнинг лабораторияларида белгиланган қатъий дастур ва марказлашган дастур асосида ишлайдиган озчиликдан иборат бўлган гуруҳлар, қобилиятли муҳандислар, ихтирочилар, олимлар, янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ этувчи менежерлар ҳисобланади. Тадқиқотларни ташкил этишни бундай усули илмий кадрлар салоҳиятидан (бюрократларнинг таъсиридан қутилган) унумли ҳолда фойдаланиш имкониятини беради. Таваккал иш юритувчи корхоналар – инновация жараёнининг дастлабки босқичида (корхона ҳақида маълумоти фан ва техникадаги янги ғояларни қабул қилиш қийин бўлган ҳолатда) қобилиятларни сақлаб қолишнинг ўзига хос шакли бўлиб қолади [2].

Венчур корхоналарнинг афзаллиги: эгулувчанлиги, ҳаракатчанлиги жуда мослашувчанлиги, изланишларни тезда ўзгартириш, уни тезда англаб олиш ва янги ғояларга баҳо бериш кабиларда ифодаланади.

Бозордаги рақобат кураши, фойда олишни мақсад қилиб қўйган ишланмаларни амалга оширувчилардан тадқиқотларни тезда амалга оширишни талаб этади.

Йирик акциядорлик жамиятлар қимматбаҳо асбобларга, бозорда мустаҳкам мавқега эга бўлсада, ишлаб чиқаришда технологик қайта куриш ва ҳар-хил экспериментларни амалга оширишни хохламайдилар.

Шунинг учун улар кичик фирмаларни молиялаштиради, улар муваффақиятга эга бўлган синалган йўлда боришни афзал кўради.

Шундай қилиб венчур бизнеси:

- янги хўжалик бўлинмаларни вужудга келиши билан анъанавий илмий тадқиқотлар ва мамлакатнинг иқтисодий таркибини ўзгартиради.
- юқори малакали мутахассисликларнинг бандлигини оширади;
- анъанавий иқтисодиёт тармоқларини техника билан янгидан таъминлашини кучайтиради;
- йирик акциядорлик жамиятларни бошқариш тамойиллари ташкилий таркибини тақомиллаштиришга ундайди;
- келажакга мўлжалланган мақсадга эришиш учун венчур капитали кўринишидаги



махсус кредит-молия тизими бўғинини шакиллантириш лозимлигини кўрсатади [3].

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобини ташкил етишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан акциядорлик жамиятларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ етиш катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы. -Спб.: Питер, 2008. - 424 с.
2. Гаврилова А.Н. и др. Финансовый менеджмент. -М.: КНОРУС, 2008. - 432 с.
3. Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий: Учебное пособие. -М.: Эксмо, 2014. - 433 с.



RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IQTISODIY TIZIMLARNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH OMILLARI

Suvanova Zamira Ikromovna

Xorazm viloyati Xonqa tumani

33-son umumta'lim maktabning

Iqtisodiy bilim asoslari fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida iqtisodiy tizimlarni innovatsion rivojlantirish omillari va uning rivojlanishiga ta'sir qiluvchi omillar haqida mulohaza yuritilgan.

Kalit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, tizim, omil, innovatsion, rivojlanish, tadqiqot.

Bugungi kunda milliy iqtisodiyotimiz oldida turgan dolzarb masalalardan biri qisqa muddatda mamlakatning innovatsion rivojlanishiga erishishdir. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida xalqaro iqtisodiy munosabatlarda davlatlar o'rtasida investitsiyaviy hamkorlik qilishning roli ortib bormoqda. Jahon mamlakatlarida barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashda xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

O'zbekistonda innovatsion jarayonlarni rivojlantirishga bo'lgan ehtiyojning kuchayishi, mamlakatning jahon xo'jaligiga integratsiyalashuvi, modernizatsiya va diversifikatsiyalashuv jarayonlari hamda iqtisodiy taraqqiyotning jadallashishida respublikada "...innovatsion jarayonlarni rag'batlantirish, tarmoq va hududlar darajasida innovatsion faollik va innovatsion rivojlanishning kompleks dasturlarini amalga oshirish, innovatsion - faol tadbirkorlik sub'ektlarini qo'llab-quvvatlash mexanizmlarining ishlab chiqilmaganligi milliy iqtisodiyot innovatsion salohiyatini oshirishga to'squinlik qilayotgan eng asosiy omillardan sanaladi. Shuning uchun ham O'zbekiston Respublikasining kelajakda mamlakatni yanada rivojlantirishga mo'ljallangan strategik vazifalarida "...ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish" va "...O'zbekiston Respublikasining 2030-yilga borib, Global innovatsion indeks reytingi bo'yicha jahonning 50 ta ilg'or mamlakati qatoriga kirishiga erishish" vazifalarining belgilab qo'yilishi respublikada innovatsion faoliyatni rivojlantirish va undan samarali foydalanishda muhim masalalardan hisoblanadi.

Barcha mamlakatlar, shu jumladan O'zbekiston uchun ham zamonaning eng dolzarb iqtisodiy ta'limotlaridan biri hisoblangan innovatsiyalarning iqtisodiy nazariyasi hozirda o'zining shakllanish bosqichida. Shu bois zamonaviy innovatsiya nazariyalarining asosiy mazmunini bir tizimga keltirish muammolari dolzarb bo'lib qolmoqda. Bugun har bir mamlakat ilg'or iqtisodiyot nazariyasiga asoslangan o'z milliy innovatsiya tizimini yaratishga intilmoqda. Shunday ekan mamlakatda innovatsion faoliyatni rivojlantirishga ta'sir etuvchi omillarni aniqlash va tahlil qilish ijobiy natija beradi.

Iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida iqtisodiy tizimning rivojlanishi innovatsiyalarni har tomonlama rivojlantirmasdan iloji yo'q, bu esa o'z navbatida, bir qator omillar ta'sirida bo'ladi. Bizning nazarimizda, hozirgi zamon iqtisodiy tizimining rivojlanishiga raqamlashtirish jarayoni katta ta'sir ko'rsatadi, bu esa tizimning barcha elementlarida o'zgarishlarni taqozo etadi.

Innovatsion rivojlanishga ta'sir etuvchi omillar ta'sir ob'ektiga qarab quyidagicha tizimlashtirilishi mumkin:

- iqtisodiy tizimning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ta'sir etuvchi;
- iqtisodiy tizimning innovatsion salohiyatiga ta'sir etuvchi;
- iqtisodiy tizimning innovatsion faoliyati natijalariga ta'sir ko'rsatishi.

Iqtisodiy tizimning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillarga quyidagilar kiradi:

- Iqtisodiy omillar, ta'sirini aholi jon boshiga yalpi hududiy mahsulot hajmi kabi ko'rsatkichlar yordamida baholash mumkin; asosiy fondlarga investitsiyalar hajmi; har bir 10 000 kishiga to'g'ri keladigan kichik biznes sub'ektlari soni.

-Ijtimoiy omillar ishsizlik darajasi bilan tavsiflanadi; aholi daromadlari o'rtachasi; umumiy aholining iqtisodiy faol aholining ulushidagi nisbati; aholi jon boshiga to'g'ri keladigan pullik xizmatlar hajmi; aholi jon boshiga to'g'ri keladigan iste'mol xarajatlarining o'rtachasi; har 1000 kishi boshiga to'g'ri keladigan xususiy avtomobillar soni.

- Infratuzilma omillari (sanoat va ijtimoiy): qattiq qoplamali umumiy foydalanishdagi yo'llarni umumiy uzunligidagi avtomobil yo'llari ulushi; har 10 000 kishi boshiga to'g'ri keladigan



shifoxonadagi yotoqlar soni; har 1000 kishi boshiga to‘g‘ri keladigan madaniy va dam olish muassasalari soni; har 1000 kishi boshiga to‘g‘ri keladigan tibbiy va doylar stansiyalari; maktabgacha ta‘lim muassasalari soni; umumiy ta‘lim muassasalari soni; turar-joy binolari umumiy maydoni, o‘rtacha 1 kishi istiqomati uchun; boshlang‘ich, asosiy va o‘rta umumiy ta‘lim o‘quv dasturlarida o‘quv faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar soni;

- ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning institutsional muhiti omillari (soliq imtiyozlari berish, maxsus iqtisodiy zonalar, ilg‘or rivojlanish hududlarini yaratish; biznes sohasini moliyaviy qo‘llab-quvvatlash vositalaridan foydalanish; Davlat dasturlari);

Innovatsion imkoniyatlarga ta‘sir etuvchi omillarga quyidagilar kiradi:

- ilm-fan va texnologiyalarni rivojlantirishga ta‘sir qiluvchi omillar:

- tadqiqot va rivojlanishni amalga oshiruvchi tashkilotlar soni; ilmiy tadqiqotlar va rivojlanishga jalb qilingan xodimlar soni; tadqiqot va rivojlanish uchun ichki xarajatlar; so‘rovda ishtirok etgan tashkilotlarning umumiy sonida texnologik, marketing va tashkiliy innovatsiyalar bilan shug‘ullanuvchi tashkilotlar ulushi; so‘rovda ishtirok etgan tashkilotlarning umumiy sonida texnologik yangiliklarni amalga oshiruvchi tashkilotlar nisbati; texnologik innovatsiyalar bo‘yicha xarajatlar;

- raqamlashtirishni rivojlantirish omillari: aholining har 100 kishi boshiga to‘g‘ri keladigan mobil aloqalariga va internet tarmog‘iga ulanishiga jalb etilgan faol abonentlari soni; aholining har 1000 kishi boshiga ulangan mobil abonent qurilmalar soni; tashkilotlar o‘zaro o‘z va tashqi axborot tizimlari o‘rtasida elektron ma‘lumotlar almashishi; iqtisodiy tizimning yalpi hududiy mahsulot hajmida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari xarajatlari; axborot kommunikatsion texnologiyalar yordamida keng foydalanilayotgan tashkilotlar soni; tashkilotlarda shaxsiy kompyuterlardan foydalanish; maxsus dasturiy vositalar yordamida foydalanilayotgan tashkilotlar;

- innovatsion infratuzilmaning omillari: biznes inkubatorlar, texnoparklar, fan shaharchalari soni; Oliy uquv yurtlarda yaratilgan kichik innovatsion korxonalar soni; texnologik platformalar mavjudligi, innovatsion rivojlanish hududlari (maxsus iqtisodiy zonalar); sertifikatlash tashkilotlari va sinov laboratoriyalari; muhandislik markazlari; mahsus jamg‘armalar.

- innovatsion rivojlanishning institutsional muhiti omillari: Oliy o‘quv yurtlarida tashkil etilgan kichik innovatsion korxonalarga subsidiyalar ajratish; tizimni shakllantiruvchi innovatsion loyihalar; grantlar; ta‘lim xizmatlari ko‘rsatish; davlat jamg‘armalari.

Iqtisodiy tizimning innovatsion faoliyati natijalariga ta‘sir etuvchi omillarga quyidagilar kiradi:

- innovatsion faoliyat (jo‘natilgan tovarlar, ishlar, xizmatlar umumiy hajmida innovatsion tovarlar ulushi, texnologik yangiliklar uchun xarajatlar ulushi, innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar va ichki tadqiqot xarajatlari hajmi);

- ixtirochilik faoliyati: ishlab chiqilgan ilg‘or ishlab chiqarish texnologiyalari soni, ixtirolar uchun beriladigan patentlar soni, foydali modellar uchun beriladigan patentlar soni, ixtirochilik faoliyati koeffitsiyenti;

- tashkilotlarni jalb qilish (texnologik innovatsiyalarni amalga oshiruvchi kichik korxonalar ulushi, yuqori samarali ish o‘rinlarining o‘sishi, jo‘natilgan tovarlar umumiy hajmida innovatsion tovarlar ulushi, kichik korxonalar tomonidan bajarilgan ishlar, xizmatlar, kichik korxonalar texnologik yangiliklarining qiymati va boshqalar);

- innovatsion sezuvchanlik: yuqori texnologiyali va bilimga chanqoq tarmoqlarning (YaIM) dagi ulushi, mehnat unumdorligi indeksi.

Shunday qilib, iqtisodiy tizimning innovatsion rivojlanish omillarini o‘rganish olimlar orasida omillarni aniqlashga yagona yondashuv yo‘qligini ko‘rsatadi, bu esa bizga omillarni ta‘sir bilan tasniflashga imkon beradi: Keltirilgan tasnif asosida iqtisodiy tizimning innovatsion rivojlanishiga ta‘sir etuvchi ko‘rsatkichlar tarkibini aniqlash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qaror va farmonlari.
2. www.prezident.uz
3. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy.



ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ ТУРИЗМ СОҲАСИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Матякубов Умиджон Рахимович

Урганч Давлат университети

“Туризм ва меҳмонхона

хўжалигини бошқариш” кафедраси доценти

Тел: +998905797480

e-mail: umidjan.mat@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Оролбўйи минтақаси туризм соҳасига инновацияларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари, инновацион технологияларни жорий қилган ҳолда, туризм турларини таснифланиши очиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, инновация, инновацион технология, Оролбўйи минтақаси

Ўзбекистон туризм соҳаси сўнгги йилларда юқори суръатларда ривожланиб бораётган иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш мақсадида замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маданий қадимий обидаларга онлайн сайёҳталарни амалга ошириши, аудиогидларни жорий қилиниши, меҳмонхона индустриясини рақамлаштирилиши ва ҳ.к киритиш мумкин.

Оролбўйи минтақаси ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида туризм соҳасига инновацион технологияларни жорий қилиш ҳолатини таҳлил қилдик. Ўрганиш жараёни минтақанинг туризм соҳасига инновацияларни тадбиқ қилиш масалалари етарли даражада ташкил қилинмаганлигини кўрсатди. Хусусан, туристлар ташриф буюраётган туристик объектлар, минтақадаги туризм индустрияси корхоналари (меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналари, транспорт корхоналари, туроператорлар) ҳамда туризм инфатуризмалари инновацияларни жорий қилиш муҳим зарурият ҳисобланади.

Оролбўйи минтақасида инновацион ўзгаришларни асосий йўналишларидан бири бўлиб, барқарор туризмни ривожлантириш ҳисобланади. Туризмда инновацион ўзгаришларнинг экологик омилларига – иқлим ўзгариши, чўлланишнинг кучайиши ҳамда қўл тегизилмаган табиий ҳудудларнинг қисқариб бораётганлиги киради. Ушбу соҳадаги салбий тенденциялар тоза муҳитни жамоатчилик фикрида катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади ҳамда бу сайёҳлар танловига таъсир қилади. Бу соҳадаги инновацияларнинг бугунги кундаги асосий тренди бўлиб, туристик корхона даражасида ҳам, минтақа даражасида ҳам экологик менежментни жорий қилиш этишдир. Туризмдаги инновацион ўзгаришларга таъсир қилувчи технологик омилларга ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва транспорт соҳасининг янги имкониятларини киритиш мумкин. Тадқиқот давомида юқоридагилардан келиб чиқиб, Оролбўйи минтақасида туризм соҳасида инновацияларни жалб қилишнинг устувор йўналишларни ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Оролбўйи минтақаси туризм соҳасига инновацияларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари¹

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан бутун Оролбўйи минтақаси туризм бизнесининг вазифалари ва жараёнларидан тортиб, корхона ва маҳсулот шаклларига қадар (online-сайёҳлик агентликлари, Е-хизматлар таклифи, Е-бронлаштириш ва савдо, Интернет реклама, виртуал сайёҳатлар ҳамда бизнес тармоқлари) катта ўзгаришларга олиб келиш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг Оролбўйи минтақасида экологик туризм, зиёрат туризм, экстремал туризм, экзотик туризм, ишбилармонлик туризми, қишлоқ туризмининг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минтақада юқорида қайд қилиб ўтилган туризм турларини ривожлантириш учун катта имкониятга эга ҳисобланади. Тадқиқотларимиз жараёнида юқоридаги туризм турларини ривожланишида инновацион технологияларни жорий қилиш шароитида таснифланиши ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Туризмда инновацион ўзгаришларнинг иқтисодий омилларига аҳолининг турмуш даражасини ошиши билан белгиланади. Кўпчилик аҳолининг даромади ошиши сайёҳат қилиш имконини беради. Бу ўз навбатида тажрибали сайёҳлар сонинг ўсишига олиб келади.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси



Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда сайёҳлар ўзларининг таасурутлари бўлишадиган сайтлар ва блоглар кўпайиб бормоқда. Шунингдек, сайёҳатчилар томонидан интернет тармоқларига қўйилаётган фотосуръатлар ва видеороликлар, истеъмол танлови босқичида мурожаат қилаётганлар сони ортиб бормоқда.

Иқтисодий омиллар туристик маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларнинг ўсишига таъсир қилади, шунинг учун туризм соҳаси корхоналарида сифатни бошқариш бўйича комплекс тизимлар тобора кўпроқ жорий этилмоқда. Айнан инновацион технологиялар, туристик маҳсулотлар сифатига ижобий таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда сайёҳларга таклиф қилинаётган туристик хизматлар ва маҳсулотлар инновацион технологиялар асосида шаклланирилса, ҳам милли ва жаҳон бозорида рақобатбардошлиги таъминланади.

1 -жадвал

Оролбўйи минтақасида инновацион технологияларни жорий қилган ҳолда, туризм турларини таснифланиши¹

Таъсир қилиш омиллари	Туризм турлари	Инновацион технологиялар
Эҳтиёткорлик билан муносабат	Экотуризм	Комплекс турмаршрутлар, махсус хизматлар (экотуризм соҳасида махсус маҳсулотлар, махсус жойлаштириш востилари, махсус тадбирлар)
	Зиёрат туризм	Диний зиёрат маросимлари ва анъаналарни имитацион технологиялар ёрдамида намоёниш қилиш
Ҳаражатларни юқори даражаси	Экстремал туризм	Экстремал туризмни ташкил қилишни усуллари ишлаб чиқиш, ушбу туризм турини тиббий кузатувини таъминлаш ҳамда ҳар бир туристга индивидуал ёндошиш
Ҳиссий компонентлар	Эстремал туризм	Янги экстремал турхизматларни шакллантириш, фантастик элементлар билан экстремал тадбирларни ташкил қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш
	Этнографик туризм	Тарихий ўтмишдаги қадимги яхши анъаналарни сайёҳларга кўрсатиш
	Экзотик туризм	Туристик йўналишларни ривожлантиришда ноанъанавий йўналишларни танлаш, дам олишни ташкил янги усуллари қўллаб, байрамона муҳит яратиш, экзотик кўнгил очарларни ривожлантириш, сайёҳлар учун овқатланишни ташкил қилишда экзотик таомлардан фойдаланиш
Расмий контекст	MICE- туризм	Минтақанинг Нукус, Урганч ва Хива шаҳарларида маҳаллий ва хорижий ОАВлари иштирокида халқаро кўргазмалар, симпозиумлар ва анжуманларни ташкил қилиш
	Бизнес-туризм	Замонавий технолгиялардан фойдаланган ҳолда экскурсия доирасида ишбилармонлик тадбирлари ва бизнес жараёнларини ташкил қилиш
Когнитив таъсир	Экзотик туризм	Сайёҳларни янги экзотик турар жойлар билан таништиришни ташкил этиш, янги усуллар билан овқат тайёрлашда бевосита туристнинг иштирокини таъминлаш
	Экотуризм	Сайёҳларни минтақанинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига жалб қилиш, экотуризм соҳасида маърифий ва маданий тадбирлар ўтказиш

Оролбўйи минтақасига туризм соҳасига инновацион технологияларни тадбиқ қилган ҳолда, туризм турларини ташкил қилиш натижасида қатор хулосаларни қилиш мумкин.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси



Биринчидан, Оролбўйи минтақасида инновацион технологиялар асосида туризм турларининг ташкил қилиниши ва ривожлантирилиши қўшимча пул маблағларини оқиб келишини, халқаро бизнес алоқаларини мустаҳкам ўрнатилишини ҳамда минтақа туристик рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди. Иккинчидан, Оролбўйи минтақаси туризм соҳасининг бозордаги мавқеани мустаҳкамлайдиган самарали бошқарув тизимини шакллантирадиган инновацион усулларни топиш муаммоси турибди. Минтақага ташриф буюраётган сайёҳларнинг фикрлари ва эҳтиёжлари шуни кўрсатмоқдаки, Оролбўйи минтақасида инновацион ва институтционал ёндошувларга асосланган туризмни ривожлантириш стратегиясига эҳтиёж мавжуд. Учинчидан, Оролбўйи минтақасида туристик корхоналар, жумладан, туроператорлар ва турагентликларни тажрибаларини шуни кўрсатмоқдаки, инновацион ёндошувларга асосланган ҳолда туризм индустриясини самарали ривожлантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пахолков Н.А., Орлова В.С. Инновационная модель активизации и регулирования регионального рынка туристских услуг // Инновации. Специальный выпуск. Январь, 2009
 2. Komninos, N. 2002. Intelligent cities: innovation, knowledge systems and digital spaces. London: Spon Press.
 3. Романова М.М. Инновации в инду’стрии туризма // Инновации в науке. Сб статей по материалам XXIX международ’ной научно’практической конференции. – Новосибирск, 2014. – <http://sibac.info/> 13053. 5.
- Ушаков Р.Н. Теория и практика ин’новаций в туризме // Сервис в России и за рубежом. – 2011. – Т. 2. 8. Виртуаль’ный тур [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://ru.wikipedia.org/wiki/>
- KHAN, H. (2002) Best Practices on E-Commerce Strategies for SMTEs in Singapore, APEC International Tourism Symposium, Seoul.
- KHAN, H. (2002) Best Practices on E-Commerce Strategies for SMTEs in Singapore, APEC International Tourism Symposium, Seoul.

“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(9-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
